



Волейбол бўйча НДПИ терма жамоаси Ўзбекистон чемпионатида 2-ўринни эгаллади

Тошкент шаҳрида волейбол бўйича аёллар ўртасида XXVIII Ўзбекистон миллий чемпионатининг якуний 3-тур ўйинлари бўлиб ўтди.



Чемпионатнинг ҳал қилувчи турида Қорақалпоғистон Республикасидан Нукус давлат педагогика институтининг «НДПИ», Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт университетининг «СКУФ», Андижон «Бўстон» ва Жиззах давлат педагогика институтининг «ЖизДПИ» жамоалари чемпионлик учун беллашди.



Мусобақа якунида Нукус давлат педагогика институтининг «НДПИ» қизлар волейбол терма жамоаси фахрий 2-ўринни эгаллади.

Қорақалпоғистон ахборот агентлиги